иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

198 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини купайтириш, улардан тулиқ форматда фойдаланиш, сифатли тулдириш ва хизмат курсатиш турисида» 2012 йил 30 июлдаги ПҚ−1794-сонли ва «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамаркази фаолиятини ташкил қилиш турисида» 2011 йил 24 февралдаги ПҚ−1488-сонли қарорларига мувофиқ:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофик ўзгартиш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 8 апрель, ПФ-4532-сон

> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 апрелдаги ПФ−4532-сонли Фармонига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қушимчалар

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадио каналларни ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сонли Фармони:
 - а) 7-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Ўзбекистон МТРК раисига, зарур холларда, компания ва тобе ташкилотларнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон МТРК тизимидаги ходим-


. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



15 (567)-coн — 19 — 198-модда

ларнинг чекланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш хуқуқи берил-

- б) 1-илованинг I булими қуйидаги тахрирдаги 9 11-бандлар билан тулдирилсин:
 - «9. «O'zbekiston MTRK Mediamarkazi»
 - 10. «Madaniyat va ma'rifat» телеканали
 - 11. «Dunyo bo'ylab» телеканали. Ўзбекистон МТРК»
 - в) 2-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:



Умумий сони — 4556 нафар, шулардан 199 нафари — МБХ».



г) 3-иловала:

198-модда

13-банддаги «O'zbektelefilm» сўзидан кейин «O'zbekiston MTRK Mediamarkazi», «Madaniyat va ma'rifat» телеканали», «Dunyo bo'ylab» телеканали сўзлари билан тўлдирилсин;

14-банд қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Madaniyat va ma'rifat» телеканали» Давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари:

аҳолининг маданий ва билим даражасини оширишга йуналтирилган юқори савиядаги бадиий, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш, усиб келаётган авлодда илмий ихтиролар ҳамда билимларга, маданий бойликларга булган кенг қизиқишларини шакллантириш, Узбекистон ҳалқининг бой маданий ва маънавий меросини сақлаб қолиш ҳамда бойитиш;

Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётидаги муҳим воқеалардан мамлакат аҳолисини, шунингдек чет эл жамоатчилигини кенг ҳабардор қилиш, миллий мусиқа, театр ва тасвирий санъатнинг энг яҳши намуналарини кўрсатиш, жумладан, ҳозирги замонавий трансляциянинг турли интерактив шакллари ва усулларидан, рақамли ҳамда мультимедия технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда миллий адабиёт ва санъатнинг атоқли арбоблари ҳаёти ва ижоди тўгрисида телекўрсатувлар тайёрлаш;

мамлакат ахолисини, аввалам бор ёшларни илм-фан, маданият ва санъат сохасида дунё цивилизациясининг илгор ютуклари билан ҳар томонлама ва холисона таништириш, инсониятнинг маданий ва интеллектуал меросини, шунингдек етакчи хорижий таълим, илмий ва маданий марказлари фаолиятини оммалаштириш;

«Dunyo bo'ylab» телеканали» Давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари:

ахоли, айниқса ёшларнинг дунё мамлакатларининг тарихи, географияси ва замонавий ривожланиш даражаси, жахон халқлари миллий анъаналари ва маданиятининг ўзига хослиги тўгрисидаги дунёқарашини кенгайтириш ва билим доирасини оширишни таъминлаш, шу жумладан етакчи дунё телеканаллари телемахсулотларини лицензия асосида намойиш этиш йўли билан буюк географик кашфиётлар, сайёрамиз турли қитъалари ҳамда Дунё океани табиатининг ноёб жиҳатлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ажойиботлари билан таништириш;

Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот олами, миллий қўриқхоналари ва ўхшаши йўқ табиий-ландшафт зоналари, дунё цивилизациясининг бойлиги ҳамда мулки ҳисобланган чинакам нодир, миллий бетакрор тарихий-меъморий обидалар тўгрисида, айниқса ёш авлодда Ватанига бўлган муҳаббат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган, унинг ўзига хос хусусиятлари ва диққатга сазовор жойларини чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишлари, мамлакат минтақаларининг маданий ва этнографик ривожланиши ҳақидаги юқори сифатли махсус илмий-оммабоп ва билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган теледастурларни яратиш;



аҳолининг экологик маданиятини ошириш, она табиатни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш, унинг яҳши сақланишини таъминлаш, шунингдек атроф муҳитни ҳимоя қилиш буйича мамлакатимизда утказилаётган тадбирлар, Марказий Осиё минтақасида экологик офатларга қарши курашиш ва экологик ҳалокатнинг олдини олиш тӱ́грисида аҳолини кенг ҳабардор этиш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига аҳолининг кенг табақаларини жалб этиш бӱйича телекӱ́рсатувлар тайёрлаш;

халқаро жамоатчиликни ва мамлакатимиз ахолисини Ўзбекистоннинг ноёб туристик салохияти, билим берадиган ва экологик туризмнинг имкониятлари ҳамда ривожланиш даражаси тўғрисида кенг хабардор қилиш, Ўзбекистон ҳақида бадиий юксак илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатув дастурлари тай-ёрлаш ва уларни лицензия асосида хорижий каналларга тарқатиш, шунингдек соғлом турмуш тарзи ва фаол дам олиш шаклларини оммалаштириш»;

18-бандининг туртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«зарур ҳолларда, Ӱзбекистон МТРК тизимидаги умумий штат бирлиги доирасида Компаниянинг ва тобе ташкилотларнинг ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритади».

- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-245-сонли ҳарорида:
 - а) 2-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Узбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг раисига, зарур холларда, таркибий булинмаларнинг ташкилий тузилмасига Узбекистон МТРК тизимининг умумий штат бирлиги доирасида ўзгартишлар киритиш хукуки берилсин»;
 - б) 6-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Узбекистон МТРК таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари фаолиятини давлат бюджети маблаглари хисобидан молиялаштириш, «Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖдан ташқари, тасдиқланган телерадиоэшиттиришлар ҳажми асосида амалга оширилади»;
- в) 10-илованинг I бўлими қуйидаги мазмундаги 7 ва 8-бандлар билан тўлдирилсин:

‹ ‹	7.	«Madaniyat va ma'rifat» телеканали»	24,0		
	8.	«Dunyo bo'ylab» телеканали»	24,0	_	»;

«Жами» позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	ЖАМИ:	118,7	112,2	»;
----------	-------	-------	-------	----

r) 11-илованинг 2-банди «O'zbektelefilm» сўзидан кейин «Madaniyat va ma'rifat» телеканали», «Dunyo bo'ylab» телеканали» сўзлари билан тўлдирилсин.

